

ISSN 2181-0000  
Doi Journal 10.26739/2181-0000

# JOURNAL OF MAMUN SCIENCE



VOLUME 3, ISSUE 1 **2025**



ISSN 2181-0000  
Doi Journal 10.26739/2181-0000



# «MA'MUN SCIENCE» JURNALI

3 JILD, 1 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

TOM 3, HOMEP 1

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 3, ISSUE 1



TOSHKENT-2025

# «MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «МА'MUN SCIENCE» | JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

№1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0000-2025-1>

Бош мухаррир: | Главный редактор:  
Chief Editor:

**Urazbayeva Dilbar Abdullayevna**  
Psixologiya fanlari doktori (DSc), professor  
Ma'mun Universiteti NTM

Бош мухаррир ўринбосари: | Заместитель  
главного редактора: | Deputy Chief Editor:

**Xudoynazarov Egambergan Madrahimovich**  
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
dotsent Ma'mun Universiteti NTM

## TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

### FILOLOGIYA FANLARI (INGLIZ TILI)

**Axmedov Oybek Saporboyevich**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

**O'rozboyev Abdulla Durdibayevich**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
Ma'mun Universiteti NTM

**Kalandarov Oybek Ruzimbayevich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Ma'mun Universiteti NTM

**Yakubov Muzaffar Kamildjanovich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Ma'mun Universiteti NTM

**Galiyeva Margarita Rafaelovna**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

**Nasrullayeva Nafisa Zafarovna**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor  
Samarqand davlat chet tillari instituti

**Cho'ponov Otanazar Otojonovich**

Filologiya fanlari doktori (DSc)  
Urganch davlat universiteti

**Yakubova Matluba Tajibayevna**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Ma'mun Universiteti NTM

**Samandarova Lola Sultanovna**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### FILOLOGIYA FANLARI (RUS TILI)

**Cho'ponov Otanazar Otojonovich**

Filologiya fanlari doktori (DSc)  
Urganch davlat universiteti

**Ruzmetov Surojbek Allaberganovich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Urganch davlat universiteti

### FILOLOGIYA FANLARI (NEMIS)

**Yakubova Matluba Tajibayevna**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Urganch davlat universiteti

### FILOLOGIYA FANLARI (O'ZBEK TILI)

**Matnazarov Javlanbek Kabulovich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Ma'mun Universiteti NTM

### TARIX FANLARI

**Anatoliy Sagdullayevich Sagdullayev**

Tarix fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi Fanlar  
akademiyasining haqiqiy a'zosi

**Ashirov Adhamjon Azimbayevich**

Tarix fanlari doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasi Tarix instituti.

**Goncharov Yuriy Mixaylovich**

Tarix fanlari doktori, professor  
Altay davlat universiteti Rossiya

**Shaydurov Vladimir Nikolayevich**

Tarix fanlari doktori, dotsent  
Leningrad davlat universiteti Rossiya

**Abdullayev Utkir Ismoilovich**

Tarix fanlari doktori (DSc),  
dotsent Urganch davlat universiteti

**Matkarimova Sadoqat Maqsudovna**

Tarix fanlari doktori (DSc), dotsent  
Ma'mun Universiteti NTM

**Abdullayev Timur Pulatovich**

Tarix fanlari nomzodi, dotsent  
Ma'mun Universiteti NTM

**Abdalov Umidbek Matniyazovich**

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

**Jumaniyozova Mamlakat Tojiyevna**

Tarix fanlari nomzodi (PhD), dotsent  
Urganch davlat universiteti

**Xo'jamuratov Umarjon Rustamovich**

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
Urganch pedagogika instituti

### PSIXOLOGIYA FANLARI

**Shoumarov G'ayrat Baxromovich**

Psixologiya fanlari doktori, professor; akademik  
O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi

**Kryukova Tatyana Leonidovna**

Psixologiya fanlari doktori, professor  
Kostroma davlat universiteti Belorusiya

**Karpinskiy Konstantin Viktorovich**

Psixologiya fanlari doktori, professor  
Grodno davlat universiteti Belorusiya

## **IQTISODIYOT FANLARI**

### **Ruzmetov Baxtiyar**

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor  
Ma'mun Universiteti NTM

### **Sherov Alisher Bakberganovich**

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), professor

Ma'mun Universiteti NTM

### **Voronsova Yuliya Vladimirovna**

Iqtisodiyot fanlari nomzodi

Moskva davlat boshqaruvi universiteti

### **Jabborov Umarbek Rustambekovich**

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Cho'ponov San'at Otanazarovich**

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Niyazmetov Islambek Masharipovich**

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

## **PEDAGOGIKA VA FALSAFA FANLARI**

### **Sardor Sharifzoda O'razboy Tabib o'gli**

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

### **Matnazarov Javlanbek Kabulovich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Adilov Zafar Yunusovich**

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Slepko Yuriy Nikolayevich**

Psixologiya fanlari doktori, professor

Yaroslav davlat pedagogika universiteti

### **Xazova Svetlana Abduraxmanovna**

Psixologiya fanlari doktori, dotsent Kostroma  
davlat universiteti Belarusiya

### **Kalandarova Madina Baxadirovna**

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna**

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

## **TIBBIYOT FANLARI**

### **Yuldashev Baxrom Sobirjanevich**

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

### **Abdullayev Ravshanbek Babajonovich**

Tibbiyot fanlari doktori, professor

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Esamuratov Aybek Ibragimovich**

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Samandarova Barno Sul-tonovna**

Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Tajiyeva Zebo Baxodirovna**

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Nazarova Maloxat Berdiboyevna**

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Xudaynazarova Salomat Ruzibaevna**

Tibbiyot fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti

## **ILMIY JURNAL TEXNIK KOTIBI**

### **Sultanov Samandar Maxmud o'g'li**

Arxeolog (tadqiqotchi pedagog)

Ma'mun Universiteti NTM

FILOLOGIYA

<b>1. Аблаева Надира Кадамжановна, Зулупова Комила Комилжоновна</b> РОЛЬ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В РАЗВИТИИ АНАЛИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ.....	8
<b>2. Джуманиязова Интизор Давлатназар кизи</b> О НАЗНАЧЕНИИ ПАРАЛЛЕЛЬНЫХ КОРПУСОВ.....	15
<b>3. Omanboyeva Aziza Doniyor qizi</b> ZUHD TA'LIMOTI VA ZOHIDLIK MAKTABLARI.....	20
<b>4. Yusupova Sohiba Islombek qizi</b> O'ZBEK VA INGLIZ XALQLARI BOLALAR FOLKLORIDA ALLITERATSIYA HODISASINING QO'LLANILISHI.....	24
<b>5. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna</b> ABU ALI IBN SINONING "TIB QONUNLARI" ASARIDA FITONIMLARNING TADQIQ QILINISHI.....	29
<b>6. Аллаярова Рахат Рустамовна</b> К ВОПРОСУ О ПЕРЕВОДЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА НА РУССКИЙ И УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫКИ.....	34
<b>7. Kalandarov Aybek Ruzimbayevich</b> O'ZBEK KLASSIK NASRIY ASARLARNI INGLIZ TILIGA TARJIMA QILISHDA SINTAKTIK MASALALAR.....	39
<b>8. Якубов Музаффар Камилджанович</b> ДВЕ КУЛЬТУРЫ — ОДНА ЛИЧНОСТЬ: АМИР ТИМУР В АНГЛИЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ДРАМАТУРГИИ.....	43
<b>9. Kutlimuratov Umarjon Shakirovich</b> TILSHUNOSLIKDA IZHONLOVCHI VALENTLIGINI O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI.....	47
<b>10. Matchanov Muzaffar Ruzimbaevich</b> MODERN PERSPECTIVES ON COORDINATED ELEMENTS IN ENGLISH.....	51
<b>11. Файзуллоева Зилола Зафаровна</b> ФОРМЫ ВЫРАЖЕНИЯ ИРОНИИ И СПОСОБЫ ЕЁ ПЕРЕВОДА С АНГЛИЙСКОГО НА РУССКИЙ (НА ПРИМЕРЕ НОВЕЛЛЫ О. ГЕНРИ «ФАРАОН И ХОРАЛ»).....	55
<b>12. Qahramonov Aliboy Yolgoshovich</b> ABDULLA QODIRIY: MURAKKAB TAQDIRLI ADIB.....	62
<b>13. Шамсутдинова Галия Шамилевна</b> ЛЕКСИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ, СВЯЗАННЫЕ С АРХИТЕКТУРНЫМИ ПАМЯТНИКАМИ ХОРЕЗМА.....	68

**14. Raimova Nilufar Abdullayevna, Bazarova Nazokat Davronbekovna**  
JONLANTIRISHLARNING BADIY-ESTETIK VAZIFASI (KOMIL AVAZNING “SOZANDA”  
ROMANI MISOLIDA).....72

**15. Jumanyazova Muhabbat Xusinovna, Annamuratova Shahnoza Shonazar qizi**  
PARALINGVISTIK VOSITALAR VA ULARNING IJTIMOY TARMOQLARDAGI  
IFODASI.....76

**16. Saparova Mohira Fayzullayevna**  
LEKSIKOGRAFIYANING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI.....80

**17. Tolibova Maftuna Zokir qizi**  
FITRAT IJODINING ZAMONAVIY ADABIYOT VA JAMIYATGA TA’SIRI.....85

## IQTISODIYOT

**1. Турдиева Якитжан Хайитбаевна**  
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИНАНСОВОЙ  
ПОДДЕРЖКИ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.....88

**2. Qabulov Baxrom Quzibayevich**  
AUDITORLIK FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI..91

## PEDAGOGIKA

**1. Qalandarova Iroda Hamdam qizi**  
DIDACTIC ASPECTS OF DEVELOPING CRITICAL THINKING IN PRIMARY SCHOOL  
STUDENTS: AN EXAMPLE OF READING LITERACY.....98

**2. Ashirova Anorgul Ismoilovna**  
DIDAKTIK TIZIMDA BOSHQARISH TAMOYILLARI AHAMIYATI.....105

**3. Xujaniyozova Oygul Rajabovna, Matkarimova A’loxon**  
MAKTAB O’QUVCHILARIDA IJODKORLIK QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING  
PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK OMILLARI.....110

**4. Sultonova Mashhura Rustamboyevna, Saidova Farog’at Otabek qizi**  
BOLAGA NISBATAN QADRIYATLI MUNOSABAT OTA-ONALIK MUVAFFAQIYATINI  
TA’MINLAYDIGAN OMIL SIFATIDA.....114

**5. Xudayberganov Otabek Erkinovich, Atajanov Adilbek Yuldashevich**  
OLYIY TA’LIMDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT FANIDAN MUSTAQIL TA’LIM  
TOPSHIRIQLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....119

**6. Рамазанова Роза Абиловна**  
РОЛЬ И МЕСТО РОДНОГО ЯЗЫКА ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК  
ИНОСТРАННОГО.....126

## PSIXOLOGIYA

**1. Ismoilova Asilpashsha Rojabovna**  
PSIXOLOGIYADA TAFAKKUR MUAMMOSINI O’RGANILGANLIK DARAJASI.....132

**2. Odamova O'g'iljon Kenjayevna**  
SHAXSNI O'Z-O'ZINI KAMOL TOPTIRISH XUSUSIYATI.....137

**3. Карпинский Константин Викторович**  
СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ ИЗМЕНЧИВОСТЬ ЦЕННОСТНОГО ОТНОШЕНИЯ  
К ДЕТЯМ В БЕЛОРУССКОЙ ПОПУЛЯЦИОННОЙ ВЫБОРКЕ.....141

## TARIX

**1. Salayev Umrбек Kadambayevich**  
JANUBIY OROLBO'YI NEOLIT VA ENEOLIT DAVRI MANZILGOHLARINING  
ARXEOLOGIK JIHATIDAN O'RGANILISHI.....150

**2. Каримов Умрбек Давронбекович**  
НЕМЕЦКИЕ МЕННОНИТЫ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ.....154

**3. Юлдашов Юлдаш**  
ВАЖНОСТЬ ВОПЛОЩЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ.....159

**4. Ismoilov Shohruxmirzo Zakirjon o'g'li**  
X-XI ASRLARDA XORAZMDA HUNARMANDCHILIK, CHORVACHILIK VA  
DENQONCHILIK AHVOLI.....162

**5. Alisher Matyakubov**  
YANGI O'ZBEKISTON SHAROITIDA XORAZM VILOYATI: HUDUDIY  
RIVOJLANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....167

**6. Matyakubov Xamdam Xamidjanovich**  
OROLBO'YI SAKLARINING KELIB CHIQISHI MASALASI VA UNING AHAMIYATI.....171


**7. Xamdamova Yulduz Ravshanbek qizi**  
IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI TIKLANISH YILLARIDA XORAZM VILOYATI  
ICHKI ISHLAR ORGANLARI FAOLIYATINING BA'ZI MASALALARI.....176

**8. Насиба Хаётова Закировна**  
ВАРАХША ШАҲАР МАДАНИЯТИ: ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МЕЪМОРИЙ  
ХУСУСИЯТЛАР.....180

**9. Eshchanov Hurmat Matnazarovich**  
SHARQIY OROLBO'YI TEKISLIGIDA TEMIR DAVRI TURAR-JOYLARI MUDOFAA  
INSHOOTLARIDA ARXEOLOGIK IZLANISHLAR SAHIFASI.....186

**Насиба Хаётова Закировна** –  
Бухоро давлат университети  
Ижтимоий-сиёсий фанлар  
кафедраси дотсенти (PhD)  
email: khayotova.nafisa@bk.ru

## ВАРАХША ШАҲАР МАДАНИЯТИ: ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МЕЪМОРИЙ ХУСУСИЯТЛАР

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14956199>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Варахша шаҳар маданиятининг шаклланиши, тарихий ривожланиши ва ўзига хос меъморий хусусиятлари таҳлил қилинади. Варахша шаҳрининг Бухоро воҳасидаги тарихий аҳамияти, шаҳарсозлик анъаналари, мудофаа иншоотлари ва ирригация тизимлари асосида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ёритилган. Ушбу мақолада Варахшани атроф-муҳитга мослаштирилган ҳолда қуриш хусусиятлари, аҳолининг турмуш тарзи ва ҳунармандчилик марказларининг ривожланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотда археологик манбалар ва илмий адабиётлар асосида шаҳарнинг феодал даврдаги маданий аҳамияти ҳамда унинг замонавий илмий тадқиқотлардаги ўрни кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** манбашунослик таҳлили, турар-жой, илмий тадқиқот, шаҳар маданияти, эски ариқлар, деҳқончилик, коммунал тизим.

**Насиба Хаётова Закировна** –

Бухарский государственный университет Кафедра  
социально-политических наук Доцент (PhD)

## КУЛЬТУРА ГОРОДА ВАРАХША: ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И АРХИТЕКТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются формирование городской культуры Варахши, её историческое развитие и уникальные архитектурные особенности. Освещается историческое значение города Варахша в Бухарском оазисе, традиции градостроительства, оборонительные сооружения и ирригационные системы, на основе которых раскрывается социально-экономическое развитие общества. В статье рассматриваются особенности строительства Варахши с учётом природно-экологической среды, образ жизни населения и развитие ремесленных центров. Кроме того, исследование, основанное на археологических источниках и научной литературе, демонстрирует культурное значение города в феодальную эпоху, а также его место в современных научных исследованиях.

**Ключевые слова:** источниковедческий анализ, жилые дома, научное исследование, городская культура, старые каналы, земледелие, коммунальная система.

Nafisa Hayotova Zakirovna –  
Bukhara State University Department of Social and  
Political Sciences Associate Professor (PhD)

## VARAKHSHA CITY CULTURE: HISTORICAL DEVELOPMENT AND ARCHITECTURAL FEATURES

### ABSTRACT

This article analyzes the formation of the urban culture of Varakhsha, its historical development, and unique architectural features. The historical significance of Varakhsha in the Bukhara oasis, urban planning traditions, defensive structures, and irrigation systems are highlighted, revealing the socio-economic development of the society. The article examines the construction features of Varakhsha adapted to the natural and ecological environment, the lifestyle of the population, and the development of craft centers. Additionally, the study, based on archaeological sources and scientific literature, showcases the cultural significance of the city during the feudal era and its role in modern scientific research.

**Keywords:** source analysis, residential buildings, scientific research, urban culture, ancient canals, agriculture, communal system.

### КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Президент Ш.Мирзиёев асарларида миллий тарих ва маданий меросни ўрганиш, унинг халқаро миқёсда аҳамиятини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган. Президентнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида мамлакатимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятлар ҳамда унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва келажак авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилган [1.303]. Ушбу маънавий асослар тарихий шаҳарларда амалга оширилган меъморий ва маданий ютуқларни ўрганишда ҳам долзарблик касб этади.

### МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Мазкур мақолада Варахша шаҳри тарихининг меъморий, маданий ва иқтисодий ривожланишини ўрганиш учун бир нечта методлардан фойдаланилди. Жумладан, манбашунослик таҳлили, тарихий таққослаш ва меъморий-қиёсий таҳлил асосий метод сифатида танланди. Манбашунослик таҳлили жараёнида Муҳаммад Наршахий, Ибн Ҳавқал, шу қатори рус тадқиқотчилари В.В.Бартольд, архелоглар Яхё Ғуломов, В.А.Шишкин, В.Д.Жуков, С.К.Кабанов асарлари таҳлил қилинди. Бу манбалар, хусусан Варахша шаҳар маданиятининг ривожланиш жараёнлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига оид фикрлари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил этади. Варахшадаги турар-жойларнинг бошқа давлатлар турар-жойлар қурилиши билан таққосланиши, бу урбанизация жараёнларини яхшироқ тушунишга хизмат қилади. Варахша шаҳри илмий тадқиқотларда кенг ўрганилган мавзулардан бири бўлиб, унинг тарихи ва маданияти ҳақидаги илк маълумотлар В.Бартольд асарларида баён қилинган. Кейинчалик В.Шишкин ва А.Н.Бернштам каби олимлар томонидан қазилма ишлари ўтказилиб, Варахша шаҳарсозлиги ҳақидаги илмий маълумотлар тўпланган.

Бухоро воҳасида милоддан аввалги 1 минг йилликнинг иккинчи ярмида Варахша, Пойканд, Вардонзе каби илк ўрта аср шаҳарлари шаклланиши археологик тадқиқотлар билан тасдиқланган. Ушбу шаҳарлар нафақат воҳанинг иқтисодий ва сиёсий марказлари, балки маданий ва савдо йўналишларининг муҳим худудлари бўлган.

Варахша - қадимги шаҳар харобаларидан бири бўлиб, Бухоро воҳасининг маданий ва шаҳарсозлик мероси сифатида тарихий шаклланиши Ўрта Осиё тарихида муҳим аҳамият касб этади. Бухоро шаҳридан 40 км шимолий-ғарбида, Жондор туманида жойлашган шаҳар археологик топилмалар асосида қадимдан ривожланган ирригацион тизимлар, мустаҳкам мудофаа иншоотлари ва зодагонлар саройлари билан ажралиб туради. Варахша шаҳрининг вужудга келиши Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида ирригацион тизимларнинг

шаклланиши билан боғлиқ. Авесто ва қадимги юнон тарихчиларининг маълумотларига кўра, бу ҳудуд аҳоли яшаши учун қулай шаҳар бўлган.

Варахша шаҳар харобаларини ўрганиш 1938-1954 йилларда архелоглар Яҳё Ғуломов раҳбарлигида В.А.Шишкин, В.Д.Жуков томонидан олиб борилган. Варахша шаҳрининг асосий қисми тахминан 9 гектарни ташкил этган тепалиқдан иборат [2.39]. Бу тепалиқ шаклидаги ҳудуд нотекис учбурчак тарзда бўлиб, шимолий ва ғарбий томонлар нисбатан тўғри чизиқларга яқин бўлиб, улар ер остида кесишиб, тўғри бурчак ҳосил қилади. Шарқий, жанубий-шарқий ҳамда жанубий томонлар ташқи муҳит таъсирида, яъни кучли қумли бўронлар ва ёмғир таъсирида ёйилган бўлиб, аниқ бурчакларга эга эмас. Шаҳарнинг умумий баландлиги 10 метрга етган [2.39]. Шаҳар атрофидан барча томонларга пастлаб борадиган лойқа чўкиндилар билан ўралган. Шарқий томонда бу пастлик 2 метр, ғарбий томонда 5 метр чуқурликка эга бўлган. Археологлар фикрича бу пастликлар шаҳарнинг эски ариқлар ёки мудофаа вазифасини бажарган ҳимоя ариғи бўлган. Қазималар давомида бу пастликларда ҳимоя деворлари ва қадимий сарой қалъаларининг излари аниқланган.

### **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА**

Тарихчи Наршахийнинг маълумотларига кўра, Варахша Бухоро шаҳридан ҳам қадимийроқ бўлиб, мустаҳкам ҳисор ва девор билан ўралган [3.12]. Айрим манбаларда Варахша Ражфандун, Фарахша, Афрахша тарзида ҳам қайд этилган [4.37]. Археологларнинг фикрича, Варахша милоддан аввалги II-I асрларда ва милоднинг I-II асрларда тараққий қилган. Шаҳар мудофаа девори билан ўралган бўлиб, бу шаҳарсозликнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган. Археологик топилмаларга кўра, шаҳар деворлари бир неча марта қайта қурилган бўлиб, хом ғиштдан фойдаланилган. Дастлабки деворнинг қалинлиги пастки қисми 3.5 метр, устки қисми 2 метрни, иккинчи девор қалинлиги 1 метр, учинчи девор қалинлиги 2.5 метр тарзда қурилган [2.39], яъни ҳимоя девори мураккаб, кўп қатламли тузилмага эга бўлган. Илк ўрта аср ва кейинги ўрта аср даврлардаги қурилишлар унинг устини қоплаб, шаҳар ҳудудини кенгайтишига олиб келган [5.21]. Бу шаҳарнинг ҳарбий-муҳандислик тажрибаси турли даврлардаги қурилиш анъаналарини яққол акс эттирган. Деворларнинг босқичма-босқич мустаҳкамланиши Варахшани кучли ҳимояли манзиллардан бирига айлантирган. Ҳимоя буржлари девор бўйлаб ҳар 30 метрда жойлашган. Варахша шаҳрини қуришда унинг стратегик мудофаа тизими ва қурилиш материаллари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарни кўрғон деворлари билан ўраб олишда нафақат мудофаа нуқтаи назаридан сувли ва қийин ўтиладиган тўсиқ яратиш, балки қурилиш учун керакли тупроқни шаҳар деворининг ташқи томонида жойлашган пастликлардан олинган. Бу ҳолат шаҳарни тепалиқ бўйлаб қурилиши ва атрофини мудофаа учун қулай чуқурликларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бундай қурилиш услубини Самарқанд деворини қурилишида ҳам ишлатилганини кўришимиз мумкин [6.21]. Археологик изланишлар натижасида шаҳарнинг дарвозалари асосан унинг жанубий, шимолий ва шарқий қисмларида жойлашганлиги аниқланган. Энг катта дарвоза шаҳарнинг жанубий қисмдан киришни таъминлаган бўлиб, сарой иншоотининг ғарбий қисмига туташган. Бу кириш йўлаги яхши сақланган ва хом ғиштдан қурилган остона билан мустаҳкамланган. Шаҳарнинг иккинчи дарвозаси қалъанинг шимолий фасадининг марказий қисмида жойлашган. У ерда текис ва кенг йўлак излари кузатилади. Ҳудуднинг юзаси шу қисмда пастлаган, бу эса бу ердан сув қувурларининг ўтганлиги тахмин қилинади. Шаҳарнинг шарқий қисмида яъни аркнинг олдида ҳам дарвоза бўлганлиги археологлар томонидан тахмин қилинади [2.44].

Шаҳарнинг жанубий қисмида мустаҳкам арк қалъаси яъни подшоҳлар саройи бўлган. Квадрат шаклдаги йирик хом ғиштлирдан қўш минора тарзида ўраб чиқилган, баландлиги 15 метр бўлган тагкурсиларнинг бирига подшо саройи ва иккинчисига соқчихонали дарвозахона бино қилинган [7.48]. Сарой ғарб томондан уч равоқли ганчқори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Варахшадаги қасрлар нафақат мустаҳкам, балки ўзига хос нафисликка эга бўлган. Бухорхудот томонидан қурилган ва унинг ўғли Бунёд ибн Тағшода томонидан қайта тикланган [3.12]. Ушбу қасрларнинг архитектураси ўзига хос эстетик аҳамиятга эга бўлган. Археологлар томонидан қазималар ишлари

натижасида саройнинг қизил хона ва шарқий меҳмонхонаси ковлаб очилган. Хона деворлари турли ранглардан фойдаланилган ҳолда деворий расмлар билан безатилган.

Шунингдек, 1950 йиллардаги археологик қазиш ишлари даврида шаҳар девори билан туташган ҳолда бир қатор уйлар топилди. Уйлар шаҳар деворини ўзининг ички девори сифатида ишлатган. Варахшадаги уй-жойлар асосан хом ғишт ва пахсадан қурилган. Деворлар қўпол, лекин мустаҳкам қилиб ишланган. Қазишмалар вақтида сопол идишдан ясалган вертикал қўйилган сувқувар қувурлар аниқланган. Бу қувурлар кир сувни тўплаш ва оқизиш билан қўлланилган канализация тизими эканлиги маълум бўлди. 2.25 метр чуқурликда қудуқ излари ҳам топилган [2.51]. Бу қазишмалардан олинган маълумотлар шаҳарнинг яхши ўйланган коммунал тизимга эга эканлигини, яъни канализация ва қурилиш технологияси ўзига хос тарзда ривожланганлигини кўрсатади.

Варахшада уй-жой қурилишининг шаҳар деворига туташ қурилгани, кўча ва биноларнинг тартибли жойлашуви шаҳарнинг ривожланган шаҳарсозлик тизими ва ижтимоий инфратузилмаси мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Варахша шаҳар харобаларидаги шаҳар уйлари ёдгорликлари ўша даврдаги шаҳар архитектурасини ўрганиш бўйича кам учрайдиган топилмаларидан биридир. Шарқ шаҳарсозлиги анъаналарининг ўзига хос жиҳатларини англаш учун шаҳар уй-жой қурилишини ўрганиш муҳимдир.

X асрнинг II ярмига оид уй-жой ёдгорлиги ўрганилганда, ёнма-ён қурилган уйларда уларни ажратиб турувчи алоҳида деворлар бўлмаган. Аввал қурилган уйга кейинги уй деворсиз туташган. Бундай ҳолат шаҳар деворига туташган уйлар гуруҳи қурилишининг кетма-кетлигини кўрсатади. Топилган қадимий уйлардан бирини таҳлил қилсак, уй тўғри бурчакли майдонни эгаллаб, 20 метрлик узунликда, 14 метрлик кенгликни ташкил қилган. Уйга кириш шарқий томондан кўчадан амалга ошган. Киришдан сўнг квадрат шаклдаги кичик хонанинг икки эшиги бўлиб, бошқа хоналарга ўтиш мумкин бўлган. Жанубий девордаги эшикдан уйнинг бутун кенглигини эгаллаган катта хона қолдиқлари топилган. Бу хонанинг ўлчами 12,8×5,5 метрни ташкил қилган [2.98]. Хонанинг ғарб томонида олов ўчоқлари, марказий қисмида қувур қолдиқлари аниқланган. Иккинчи эшик тўғри бурчакли майдонга олиб борган, археологлар фикрича бу кичик ҳовли бўлган [2.100]. Айтиш мумкинки, Варахшадаги уй-жой топилмалари анъанавий меъмориликнинг илк шаклланиш даври эканлигини кўрсатади. Уй-жой тузилиши табиий иқлим шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёритилиши, ҳавонинг табиий айланишини таъминлашга қаратилган. Катта ҳажмли хоналар, очиқ ва айвон каби меъморий элементлар уйнинг ички ва ташқи манзарасини яхшилаш билан бирга кундалик турмуш учун зарур шароитларни яратишда хизмат қилган. Уй-жойнинг тузилиши унинг вазифасига қараб тақсимланган. Масалан, ҳовли, айвон, олов ўчоқлари, қувур тизими каби бўлинмаларнинг мавжудлиги қурилиш жараёнида режали ва муҳандислик ечимлари самарали қўлланилганлигини кўрсатади.

Шарқ шаҳарсозлигининг ўзига хос муҳим хусусияти бу -уйларнинг деворлар билан ўралган ҳолда қурилишидир. Бундай ҳолат дастлаб ислом динининг таъсири, аёлларни ёмон “кўз”дан ҳимоя қилиш, бой одамлар ўз бойлигини асраш, хавфсизликни таъминлаш, шаҳар кўчаларнинг ифлос ва ёқимсиз ҳидларидан ҳимоя қилиш истаги билан изоҳланади. Шуни айтиш керакки, бундай уйларни қадимги Шарқда қулдорлик жамиятларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Мисрда, Ҳараппада, Яқин Шарқ ҳамда Юнонистонда. Санаб ўтилган бу давлатларда ижтимоий-сиёсий тузум бир-биридан фарқ қилсада, бу ерда ҳам уйлар андрон (эркаклар қисми) ва гинекейон (аёллар қисми) каби қисмларга бўлинган. Грек аёллари сиёсий ҳуқуқдан маҳрум қилинган бўлсада, шарқ аёлларига нисбатан эркин бўлган.

Қадимги Рим архитектори ва муҳандиси Витрувийнинг фикрича, уйларнинг меъморий тузилиши асосан иқлимий шароитлар билан изоҳланади. У шундай ёзади: “Турар-жой бинолари фақат уларнинг қурилиш жойи ва иқлим шароитлари эътиборга олинганда тўғри жойлаштирилади. Масалан, Миср ёки Испания учун мос турар-жой тузилиши, Понт ва Рим учун тўғри келмаслиги аниқ. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ва ҳудудларда ҳам табиий хусусиятларга мувофиқ уйлар қурилиши лозим, чунки ернинг бир қисми қуёш йўлининг тўғридан-тўғри остида жойлашган, бошқаси ундан узокда, учинчиси эса уларнинг ўртасида

жойлашган [8.1-2]”. Шундай экан, уйларни лойихалашда алоҳида мамлакатларнинг хусусиятлари ва уларнинг иқлим шароитлари ҳисобга олинган. Ёз фасли ҳаддан ташқари иссиқ бўлган ҳудудларда, жумладан Ўрта Осиёда ҳам анъанавий уйлар марказий очик ҳовли билан қурилган. Кўпинча бу ҳовлилар енгил том билан қопланган. Қазилма натижасида Варахшадаги топилган марказий хоналар ҳақиқатдан ҳам очик ҳовли бўлган бўлса, бу ҳолат Бухородаги анъанавий уйларнинг илк шакллари намоён этади.

Варахша шаҳри сув таъминоти билан боғлиқ мураккаб ирригацион тизимга эга бўлган. Шаҳарда ўн икки ариқ мавжуд бўлган [3.12]. Бу деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги учун қулай шарт-шароитларни таъминлаган. Археологлар шаҳарнинг шимолида, тахминан 3 км узоқда жойлашган Ширинкўлдўк қудуғи яқинида шарқдан ғарбга ва ғарбий жанубий йўналишда ўтувчи бир неча ирригацион каналларни аниқлашган. Варахша шаҳрига энг яқин ариқдан икки канал ажралиб чиқган. Биринчиси шаҳарнинг шимолий-шарқий бурчагига йўналган. Бироқ канал Варахшага яқинлашганда чўл қумлари остига йўқолиб кетган. Иккинчиси шаҳарнинг шимолий қисмига етиб борган. Бу канал шимолий-шарқий йўналишда ҳаракатланиб, Варахша қудуғи ёнидан ўтиб, шимолий қисм орқали шаҳар ичкарасига кириб борган. Бу канал шаҳар ҳовузларини тўлдирган [2.52]. Археологик топилмалар шаҳарнинг сув тақсимлаш ва шаҳарсозлик маданияти юқори даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Варахшанинг Бухоро ва Хоразм орасидаги карвон йўлида жойлашганлиги ҳудудда савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига сабабчи бўлган. Варахшада ҳар ўн беш кунда бир кун бозор куни ўтказилган. Йилнинг охирида йигирма кунлик бозор ва йигирма биринчи куни “Наврўзи кишоварзон” – “Деҳқонлар наврўзи” деб аталган байрам ўтказилган [2.52]. Оташпарастларнинг наврўз байрами беш кундан сўнг нишонланиб, шаҳар аҳолиси учун диний ва маданий тадбирлардан бири бўлган. Бу байрам шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги билан яқин алоқада бўлганлигини кўрсатади.

#### **ХУЛОСА**

Варахшада шаҳарсозликнинг энг аҳамиятли жиҳати унинг ўзига хос архитектурасидир. Ҳимоя деворлари ичида саройлар, маҳаллий бой деҳқонлар уйлари ва савдо бозорлари жойлашган. Сарой деворларида сақланиб қолган “стукко” декарацияси, девор рассомчилиги ва усталарнинг ўзига хос санъати шаҳарнинг маданий ҳаётини ифода этган. Шаҳарнинг жанубий қисмидаги бош дарвоза шаҳарсозликнинг энг мухташам намунасидан бири бўлган. Кўплаб каналлар орқали шаҳар аҳолиси сув билан таъминланган. Археологик қазилмалар натижасида ҳовузлар яқинидан кўплаб тангалар, сопол идишлар, турли хил қўл меҳнат маҳсулотлари топилган. Варахша шаҳрининг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожланиши ҳудуднинг тарихий, иқтисодий ва маданий тараққиётини ифода этади. Мудофаа деворлари, ирригацион тизимлари ва архитектуравий ёдгорликлари шаҳарнинг аҳамиятини ёрқин намоён этади. Бу шаҳар ўзининг узоқ ва мураккаб тарихи орқали Ўрта Осиёнинг шаҳарсозлик анъаналарида алоҳида ўрин тутаяди.

#### **Iqtiboslar/ References/Сноски**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.- Б.303.
2. Шишкин В.А. Варахша. Москва: «Академии наук СССР». 1963. -С.39.
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. -Б. 12.
4. O'zbekiston tarixi. (Buxoro tarixi). X jild.-Б.37.
5. Некрасова Е.Г. К истории сложения стен арка Бухары (новые археологические данные). Из истории культурного наследия Бухары. Ташкент: «Ўзбекистан».1990. -С.21.
6. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 2011. -Б.54

7. Қиличев Р.А., Қиличева М.Р. Марказий Осиёнинг тарихий-меъморий ва археологик ёдгорликлари. Бухоро: «Дурдона». -Б.48.
8. <https://antique.totalarch.com/vitruvius/>. Витрувия «Десять книг об архитектуре» (Vitruvius "De architectura libri decem"). Книга VI. Глава I. Расположение здания согласно климатическим условиям. Всесоюзной Академии Архитектуры 1936 года. Перевод Петровского Ф.А. -С.1-2.

tomonidan qoldirilgan turar-joylar mudofaa inshootlarida olib borgan arxeologik izlanishlar natijalari taxlil qilindi va yangi g'oyalar ilgari surildi.

Natijalar quyidagicha izohlandi:

- Sharqiy Orolbo'yi hududi tekisligini odamzot tomonidan neolit davrida o'zlashtirilishi, axoli zichligi oshganligi sabab olib borgan migratsion jarayonlar, yangi-yangi xo'jalik-madaniy xo'jaliklarni tarkib topishi oydinlashtirildi.

- Neolit va bronza davri aholisini jamiyatni ijtimoiy-iqtisodiy va etnik-munosabatlarni olib borishi jarayonida Quyi Amudaryo xududida Oqchadaryo havzasi axolisi bilan o'zaro aloqalari natijalari qayd qilindi.

- Yarim o'troq va chorvador qabilalarning binokorlik bilimi asosida bunyod qilingan istexkomli turar-joylar to'g'risida tarixiy ma'lumotlar ilmiy jamoatchilik e'tiboriga havola qilindi.

#### XULOSA

- Arxeologik yodgorliklarda olib borilgan arxeologik izlanishlar natijalari e'tiborga olinib, Sharqiy Sirdaryo xududi tosh davrida ovchilar tomonidan o'zlashtirilmagan, neolit davri so'nggi bosqichida o'zlashtirilganligi to'g'risida xulosaga kelindi.

- Neolit, eneolit va bronza davrida axoli turar-joylar yerto'la chaylalar bo'lgan, o'zlashtiruvchi xo'jalik yo'nalishi jamiyat iqtisodiyotini namoyon qilgan.

- Temir davriga kelganda (mil.avv. X-Vasrlar), turar-joylar qurilishida paxsa va xom g'ishtlar qo'llanishi, ular atrofi mudofaa devor, unda mudofaa elementlari, tashqi devor atrofida handaq o'tganligi masalalari o'rganildi.

#### Iqtiboslar / References / Сноски

1. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма-М.:Наука, 1968. Вып-8-С.125-126.
2. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья //ТрХАЭЭ-М.:Наука, 1981-Вып XIII-С.90-93.
3. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья-М.:Наука, 1977.Т.-Х-С 27-28.
4. Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г //Известия Академии Наук-М.:Наука, 1947.Т.4. Вып-2-С. 177-182.
5. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М-Л, Наука, 1962-С. 154-рис 89.
6. Толстов С.П. "Древний Хорезм". М. МГУ. 1948. С. 59-69.
7. Сагдуллаев А.С. "Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа". (Генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. Дисс. Доктор. Ист.наук.-М.:МГУ, 1989-38 с
8. Пилишко В.Н. "Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области". //АО 1974,- М: Наука, 1975-С.528.
9. Kabirov J, Sadullayev A. "O'rta Osiyo arxeologiyasi". Т. O'qituvchi. 1990.
10. Baratov P. "O'zbekistonning tabiiy geografiyasi". Toshkent. O'qituvchi, 1996-В. 154-162.

## МАДАНИЯТЛАР КЎПРИГИ ВА АКАДЕМИК ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ: МАЪМУН УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ ВА КИНЖО ГАКУИН УНИВЕРСИТЕТИ



Бугунги кунда Маъмун университети республикаимиз етакчи олий даргохларидан биридир. Университет мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари орасида халқаро ҳамкорлик бўйича етакчи ўринни эгалламоқда. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик университет жамоаси фаолиятининг ажралмас қисмидир. Маъмун университети жаҳоннинг бир қатор йирик давлатлари жумладан, Словения, Италия, Белгия, Швеция, Испания, Япония, Малайзия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларус, Россия, Озарбайжон, Жанубий Корея каби давлатларнинг олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди ва ушбу олий ўқув юртларида университет бакалаврият талабалари, таянч докторантлари, профессор-ўқитувчиларини ўқиш, малака ошириш, тажриба алмашиш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек, халқаро илмий конференциялар, семинарлар, форумларда иштирок этишларини режалаштирди. Нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳозирги кунда талабаларга таълим бериб келмоқдалар.

Маъмун университети “Филология” факултети 2022 йил 5 сентябрда ташкил қилинди. Ҳозирги кунда филология факультетида 1000дан зиёд талаба таҳсил олмақда. Улар орасида халқаро ва миллий сертификатга эга талабалар ҳам бор, улар асосан университет тасисчиси гранти асосида таҳсил оладилар. Бу ҳам университет раҳбариятининг иқтидорли ва билимли талабаларга кўрсатаётган эътибор ва эъзоздир!

Филология факултети доимо тил, адабиёт ва маданиятни ўрганиш маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйишда асосий ўрин тутадиган макон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Глобаллашув даврида хорижий университетлар билан ҳамкорлик академик фаолиятнинг ажралмас қисмига айланиб, ўзаро тажриба алмашиш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва халқлар ўртасида ўзаро тушунишни ривожлантириш имконини бермоқда.



Филология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар тилни маданий ва тарихий шароитда ўрганиш учун янги имкониятлар очади. Сўнги бир неча йил ичида факултетимиз турли мамлакатлар, жумладан, Япония, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа университетлар билан алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Бу ҳамкорликлар таълим жараёнини бойитади, илмий тадқиқот чегараларини кенгайтиради ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг алмашинув дастурлари, конференциялар ва кўшма илмий лойиҳаларда иштирок этиши учун имконият яратади.

Япониянинг Кинжо Гакуин университети ва Маъмун университети билан тегишли меморандумлар билан мустаҳкамланган ҳамкорлик ана шундай ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан бирidir. Бу ташаббуслар халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва жаҳон илмий ҳамжамиятига интеграцияни рағбатлантиришга содиқлигимизни кўрсатади.

Кинжо Гакуин университети Япониянинг Аичи префектураси, Нагоя шаҳрида жойлашган хусусий аёллар университетидир. Унинг кампуси Морияма-ку худудида жойлашган бўлиб, талабаларга турли академик ва маданий ресурслардан фойдаланиш имкониятини беради.

Мазкур даргоҳ 1889 йилда ташкил этилган ва 1949 йилда университет мақомини олган. "Кинжо" ("Олтин қалъа") номи асосий кўрғоннинг тепасидаги иккита олтин шачиҳоко билан машҳур бўлган Нагоя қалъасининг тарихий номига ишора қилади.

Университет гуманитар ва ижтимоий фанлардан тортиб табиий фанларгача бўлган кенг кўламли фанларни қамраб олувчи 14 та бакалаврият факултети ва мутахассисликларини ўз ичига олади. Магистратура ва докторантура дастурларини тақлиф қилувчи Гуманитар фанлар ва инсон экологияси олий мактаби ҳам мавжуд.

Университет кутубхонаси ўқув муҳитининг муҳим қисми бўлиб, уй вазифаси, тадқиқот ва ўқиш учун имконият яратади. Университет нафақат маҳаллий, балки халқаро талабаларни ҳам қабул қилади, маданий алмашинув учун ўзига хос муҳит яратади, турли миллат вакиллари билан учрашади ва халқаро алоқаларни ўрнатади.

Маъмун университети Филология факултети ва Кинжо Гакуин университети Гуманитар фанлар факултети ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланиши орқали мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Мазкур ҳужжат академик алмашинувни ривожлантириш, қўшма таълим ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.



Меморандум ҳамкорликнинг қуйидаги асосий йўналишларини ўз ичига олади:

Касбий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва тажриба алмашиш учун ўқитувчилар ва тадқиқотчилар алмашинуви;

ёш мутахассисларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва икки давлат таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имконини берувчи бакалаврият талабалари алмашинуви;

маданий ва илмий меросни чуқурроқ тушунишга қўмаклашиш учун академик маълумотлар ва материалларни алмашиш;

илмий иш учун янги истиқболларни очадиган қўшма тадқиқот лойиҳалари ва симпозиумлар ташкил этиш;

муайян эҳтиёж ва имкониятларга қараб факултетлар томонидан келишилган бошқа ҳамкорлик шакллари.

Шартнома ўзаро ва ҳар бир университетнинг автономиясини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади. Режалаштирилган барча тадбирлар иккала факультет вакиллари томонидан олдиндан келишиб олинади ва томонларнинг илмий ва молиявий имкониятлари ҳисобга олинади. Меморандум беш йил муддатга амал қилади, шу каби муддатлар учун автоматик равишда янгиланади.


Ҳамкорлик доирасида илгари сурилган энг истиқболли ғоялардан бири ҳар икки университет талабалари учун ҳар йили қишки ва ёзги икки ҳафталик оромгоҳларни ташкил этиш таклифи бўлди. Ушбу тадбирлар қуйидагиларга қаратилган:

Икки давлат маданияти, ҳаёти ва тарихи билан танишиш;

маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлаш;

амалий мулоқот орқали иштирокчиларнинг тил малакаларини ошириш.

Бундай оромгоҳлар талабалар учун нафақат билимларини чуқурлаштириш, балки бошқа давлат вакиллари билан дўстона алоқаларни ўрнатиш имкониятини берувчи ўзига хос майдонга айланади.



Мамун университети ва Кинжо Гакуин университети ўртасидаги ҳамкорлик замонавий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик муҳимлигини кўрсатади. Бу нафақат иштирокчиларнинг касбий маҳоратини оширишга, балки Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳамкорликнинг янада кенгайтиши ҳар икки томон учун янада кенг имкониятлар яратиши кутилмоқда.

Бу тadbирларни амалга оширишда бевосита иштироқ этган ва асосий сабабчи бўлган ҳақиқий ва ёрқин инсонни эслатишимиз керак! Маъмур университети ва Япониянинг Кинжо Гакуин университети ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда яхши дипломат ва тadbиркор Ибрагимов Бунёдбек Абдушарипович муҳим рол ўйнади, унинг фаолияти Ўзбекистон ва Япония ўртасида муҳим кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Нагойядаги фахрий консули Хироюки Ито жанобларига қимматли вақтларини аямасдан ва беминнат хиссаларини кўшганлари учун алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

Бунёдбек Абдушарипович 1985-йилда Урганч шаҳрида туғилган, юридик маълумотга эга, 2007-йилда Тошкент давлат юридик институтини, 2009-йилда Нагоя университетини тамомлаган, ҳуқуқшунослик магистри даражасини олган. Унинг фаолияти халқаро ҳамкорлик, ўзбек маданиятини тарғиб қилиш ва икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги фаол ишлар билан ажралиб туради.

2017 йилдан Б.Ибрагимов Нагоя-Ўзбекистон дўстлик жамияти (ФАНУЗ) ҳаммуассиси ва ижрочи директори, Нагоя шаҳрида жойлашган Глобал Силк Роад Инс. компанияси муассиси ва ижрочи директори. Унинг ташаббуслари билан қатор муҳим шартномалар, жумладан, Туризм давлат қўмитаси ҳузуридаги Миллий жамоат маркази билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Тошкент ва Нагоя шаҳарлари ўртасида маданият ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштириш, миллий маҳсулотларни Япония бозорига олиб чиқиш, япон сармоясини жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари икки томонлама муносабатлар ривожига катта таъсир кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Япониядаги ватандошлар билан учрашувини ташкил этиш, Нагоя мэрининг Ўзбекистонга ташрифи, маданий-иқтисодий алмашинувни ривожлантиришга хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш унинг ютуқларидандир.

Халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Бунёдбек Абдушарипович “Шухрат” медали (2020) ва “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони (2024) билан тақдирланган. Унинг фаолияти нафақат Ўзбекистонни халқаро майдонда танитибгина қолмай, балки таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, Кинжо Гакуин университети билан ҳамкорлик қилиш учун ноёб имкониятлар яратди.

Филология факултетининг Япониянинг Кинжо Гакуин университети каби хорижий университетлар билан ҳамкорлиги - халқаро ҳамкорлик илм-фан, таълим ва маданият ривожига қандай ҳисса қўшишининг ёрқин намунасидир. Бу каби ташаббуслар талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун янги уфқларни очиб, тажриба алмашиш, тадқиқотларни кенгайтириш ва маданиятлараро тушунишни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Бу жараёнда Бунёдбек Абдушарипович Иброҳимов каби фаол меҳнати ва фидойилиги билан мамлакатлар ўртасидаги дўстлик кўприқларини мустаҳкамлаган инсонларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг ҳиссаси узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, натижада нафақат қўшма лойиҳалар, балки таълим ва маданият алмашинувининг янги истиқболларини шакллантиришга эришилди.

Ишончимиз комилки, Кинжо Гакуин ва бошқа хорижий университетлар билан ҳамкорлик янада ривожланиб, янги самаралар олиб, факултетимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлайди. Бу ташаббуслар таълим ва илм-фан халқларни бирлаштириб, умумий мақсадларга эришиш ва глобал билимлар ҳамжамиятини яратишда қудратли воситага айланаётганидан далолат беради.

**Якубов Музаффар Камилджанович-  
Маъмур университети Филология факультети декани**



ISSN 2181-9696

Doi Journal 10.26739/2181-9696

# «MAMUN SCIENCE» JURNALI

3 JILD, 1 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

ТОМ 3, НОМЕР 1

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 3, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000